

ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ИЛК ҚАРАШЛАРИ

Ниёзов Содик Рахимович

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар академияси катта ўқитувчиси,
Қуролли кучлар хизматчиси резервдаги подполковник*

Аннотация: Ўзбек олимлари жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг турли томонларини ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Қарийиб барча жадид ёзувчиларининг асарлари нашр этилиб, халққа тақдим этилди. Янги усул мактаби, миллий матбуот, адабиёт ва театр тарихини ўрганишга бағишланган кўплаб асарлар майдонга келди.

Калит сўзи: жадидлар, маърифатпарварлар, маориф

Давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни нафақат ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, балки маънавий-маданий, ижтимоий ва ахлоқий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлодни вояга етказишдир. Мана шу юртда яшаётган ёшларни ҳар томонлама мукамал инсон қилиб тарбиялашни бугун замоннинг ўзи тақозо қилиб қўймоқда. Кўзланган мақсадга миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни сақлаб қолиш, кадрларга содиқ қолган ҳолда, замонавийликка эришиш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, қисқача қилиб айтганда, миллий маънавиятимизни юксалтириш орқалигина эришишимиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан қаралганда Президент Ш. М. Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ёшларда юксак маънавиятни ривожлантириш ва юксалтириш борасида буюк аждодларимиз, хусусан жадидларнинг таълим тарбия тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларининг муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз.

Ўзбек халқи тарихининг XIX аср охири - XX аср бошларидаги даври тарихан қисқа вақтни ташкил этган бўлсада, халқнинг тарихий тақдирида муҳим аҳамиятга молик бўлган даврдир. Шу даврда майдонга келган жадид маърифатпарварлик ҳаракати мактаб ва маориф, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида ислохотчилик ишларини амалга оширибгина қолмай, халқнинг маданий, маърифий ва руҳий ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди ёки шу йўлда эътиборга молик катта ишларни бажарди.

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиёда шундай ҳолат юз берди. Туркистон, Бухоро ва Хивада, шунингдек, айрим хорижий Шарқ

мамлакатларида жунбишга келган жаид маърифатпарварлик ҳаракати катта тўсиқларга учради.

Бугун биз, орадан 100 йилдан ортиқ вақт ўтганидан кейин, Туркистонда М. Беҳбудий раҳбарлигида юзага келган жаид маърифатпарварлик ҳаракати тарихини ўрганганимизда, уларнинг қандай мураккаб шароитда янги мактабларни очгани, миллий матбуотга асос солгани, янги бадиий адабиёт ва театр санъатига тамал тошини қўйганини ўйласак, уларнинг бу фаолиятларини фидойлик ва жасорат деб баҳолаш лозим бўлади.

Халқимиз мустақилликка эришганидан кейин, жамиятда жаид маърифатпарварлари фаолиятини ўрганишга иштиёқ пайдо бўлганидан сўнггина бу ҳаракат кенг кўламда ўрганила бошланди. Шу нарса қувонарлики, Туркистондаги жаид маърифатпарварлик ҳаракатини ўрганишдек қутлуғ ишга Европа ва Америка Қўшма Штатларидаги олимлар ҳам завқ билан киришдилар. Ҳозир жаид маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг намояндалари фаолиятини ўрганиш халқаро миқёсдаги муҳим илмий-амалий лойиҳа даражасига кўтарилди.

Ўзбек олимлари жаид маърифатпарварлик ҳаракатининг турли томонларини ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Қарийб барча жаид ёзувчиларининг асарлари нашр этилиб, халққа тақдим этилди. Янги усул мактаби, миллий матбуот, адабиёт ва театр тарихини ўрганишга бағишланган кўплаб асарлар майдонга келди.

Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг раҳбарлари саналган Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхонов бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи ролни ўйнашган. Бухорода - Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат, Хива хонлигида эса - Полвонниёз Юсупов бу ҳаракатга бошчилик қилишган.

Жаидларнинг маърифатпарварлик мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва ранг-баранг бўлган. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарихий вазифа ва масалалар қаторига биз маънавий баркамолликка етишда динни тўғри англаб тушуниб етишимиз, ҳуқуқий ва иқтисодий бозор маконини ташкил қилиш жараёнини тезлаштириш, тараққий этган илғор демократик институтларни бунёд қилиш, ўзига хос миллий ривожланишларни киритишимиз мумкин. Бу масалаларни ҳал этиб амалга оширишда муҳим омил сифатида исломнинг модернизациялашуви, уни қотиб қолган ақидалардан тозалаш, фан ва илғор технология ютуқларини эгаллаб бориш муаммолари майдонга чиқади.

Жаидларнинг халқаро алоқа ва муносабатлари уларга Россия, Туркия, Миср, Эрон жаидларининг дастури билан танишиш имконини берди. Лекин Туркиядаги ёш турклар ва Эрон тараққийпарварлари тажрибаларини Туркистон жаидлари механик тарзда ва ўша қолипда ўзлаштириб олмадилар. Аксинча

жадидлар Европа ва Шарқ мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонун чиқарувчилик кенг тажрибаларидан, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши демократик ҳаракатлар кураши усуллари ва дастурларидан манфаатларига ҳамоҳанг бўлган ва миллий маданиятга мос келадиган зарур ўринларни олдилар.

Дастлабки жадид матбуоти 1883 йил Боғчасаройда нашр этилган И. Ғаспиралининг “Таржимон” газетасидир. “Таржимон” бутун туркий дунёга ёйилиб, Туркистондаги Россия империясининг мустамлакачилик зулмига қарши мақолалари билан ўлкада ўзликни англашни бошлаб берди. 1905 йил октябрда “Қозон мухбири”, 1906 йил Аҳмад Ҳоди Мақсудийнинг “Юлдуз”, Фотиҳ Каримийнинг “Вақт”, Петербургда “Улфат” газеталари чиқди. Туркистондаги жадид матбуоти 1905 йилдан бошланади. Авлоний 1905-17 йилларда Туркистонда 22 газета ва 8 журнал нашр этилганига гувоҳлик берса, 1927 йил Зиё Саид 1870-1927 йил-ларда 45 та газета ва 36 номда журнал нашр этилганини ёзганди. Юқоридаги матбуот нашрларининг аксар қисми жадид тараққийпарварлари томонидан чиқарилган. Туркистондаги илк миллий газета 1906 йил 27 июн куни татар тараққийпарвари Исмоил Обидий муҳаррирлиги остида чоп этилган “Тараққий” газетаси ҳисобланади. Газета чиқиши муносабати билан Исмоилбек Ғаспирали, Абдулла Тўқайлардек йирик тараққийпарварлар табрик номаларини йўлладилар, Мунаввар қори, Авлонийларнинг мақолалари бу газетани халқ ўртасида янада машҳур бўлишига ёрдам берди.

“Тараққий”нинг илк сониди муҳаррир Исмоил Обидий ўзининг “Тошкент 14 июн” мақоласида Туркистон мусулмонларига мурожаат қилиб, барчани ўзаро низоларга чек қўйиб бирликка чақиради. Газетанинг шиори ҳам мақсаддан келиб чиққан ҳолда “Нажот: маслақда сабот; тўғрилиқни ижобат” деб белгиланди.

Жадид ҳаракати асосчилари ва намоёндалари: Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919 йй.), Саидахмад Сиддиқий Ажзий (1964-1927 йй.), Васлий Самарқандий (1869-1925), Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931 йй.), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тўлаган Хўжамёров – Тавалло (1882-1939 йй.), Сидқий Хондайлиқий (1884-1934 йй.), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919 йй.), Муҳаммадшариф Сўфизода (1869-1937 йй.), Абдурауф Фитрат (1886-1938 йй.), Садриддин Айний (1878-1954 йй.), Абдулвоҳид Бурхонов (1875-1934 йй.), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929 йй.), Абдулла Қодирий (1894-1938 йй.), Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938 йй) ва бошқалар миллатимиз ва халқимиз мустақиллиги учун кураш олиб боришган.

Жадидчилик ҳаракатини икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин

I-чи XIX асрнинг 90 йилларида 1917 йилгача бўлган даври:

- Жадидчиликнинг шаклланиши ва мунтазам уюшган ҳаракат шаклига эга бўлиши (XIX асрнинг 90 йиллари –т1905 йил);
- Жадидчилик ҳаракатининг нисбатан тез ва қаршиликсиз ривожланиши (1905-1909 йиллари);
- Жадидчиликни подшо Россияси томонидан озодлик, демократик ва инқилобий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирган давридаги ривожлантириш (1909-1916 йиллар)

II – иккинчи 1917 йил февралдан 1929 йилгача бўлган даври:

- 1917 йил феврал – октябрь;
- 1917 йил ноябрь – 1924 йил;
- 1925-1929 йиллар

Улар халқнинг миллий онгини ошириш ва ўзлигини англантишни энг аввало маърифат, илму – урфондан қидирдилар. Миллат, халқ қайғуси билан яшовчи зиёлилар халқни уйғотишни маърифатдан бошлашга қарор қилдилар.


Миллати қирим-татар бўлган Исмоил Ғаспарли (1851-1914 йй.) жадид ҳаракатининг асосчисидир. 1904 йилда Бухорога келиб амир билан музокоралар олиб бориб, унинг отасини номи билан аталувчи Музаффария жадид мактабига асос солди. 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла 2 та жадид мактабига асос солди. 1899 йилда Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадид мактабларига ўз фаолиятини бошлаганди.

Аср бошида жадидлар зиёлиларни бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ишга фидойилик билан киришдилар. Уларнинг бошида Махмудхўжа Бехбудий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Мунаввар қори, Бобоохун Салимов ва бошқа кўплаб тараққийпарвар инсонлар турар эди.

Жадидларнинг маориф соҳасидаги фаолияти:

- ✓ “Жадид” арабча сўз бўлиб янги деган маънони билдиради;
- ✓ Жадидлар аввало мактабларга асос солганлар. Бу мактабларда болалар бир – икки йилда тўла савод чиқариб, мукаммал ўқиш ва ёзишни ўзлаштирган;
- ✓ Тезкор ўқитиш “савтия” (товуш) усули жорий қилинган;
- ✓ Жадид мактабларида қатъий низом, тартиб ва интизом, дастур ва дарсликларга асосланди;
- ✓ Жадидлар томондан биринчи марта парталарда ўтириш, дарсларда харита ва расмлардан фойдаланиш жорий қилинди. У кейинчалик ҳозирги замонавий мактаблар учун асос бўлди;
- ✓ Улар тарихда биринчи бўлиб, ўқувчиларга кундалик, чорак ва йиллик баҳолар қўйишни жорий этдилар;

✓ Улар томонидан яратилган қўлланма ва дарсликлар: Саидрасул Саидазизовнинг “Устои аввал”, Мунавварқори Абдурашидовнинг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, “Тажвид” (Қуръонни кироат билан ўқиш усулига оид қўлланма), “Ҳавойижи диния” (шариат қонунлари тўплами), ва бошқа асарлари мавжуд. М. Беҳбудийнинг “Қисқа умумий география”, “Болалар мактуби”, “Исломнинг қисқача тарихи”, “Аҳоли географиясига кириш”, “Россиянинг қисқача географияси” ва бошқа асарлари мавжуд эди.



Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жиҳатдан серқирра йўлни босиб ўтди. Жадидлар турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасига таяниб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, айти пайтда ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди.

Жадидчилик жаҳон ижтимоий ва миллий қадриятларга асосланган оқим бўлиб, Ўрта Осиё маҳаллий туб аҳолиси манфаатларига жавоб берган ва ижтимоий тараққиётнинг пишиб етилган эҳтиёжларини тўла қондира оладиган ҳаракат сифатида шаклланди. Жадидчилик маърифатпарварликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жадидчилик ўз тарихида икки босқични ўтган. Биринчиси - маърифатпарварлик босқичи ва иккинчиси - сиёсий босқич эди.

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки халқимиз мустақилликка эришганидан кейин, жамиятда жадид маърифатпарварлари фаолиятини ўрганишга иштиёқ пайдо бўлганидан сўнггина бу ҳаракат кенг кўламда ўрганила бошланди. Шу нарса қувонарлики, Туркистондаги жадид маърифатпарварлик ҳаракатини ўрганишдек қутлуғ ишга Европа ва Америка Қўшма Штатларидаги олимлар ҳам завқ билан киришдилар.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/president-speech>
2. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2006.
3. “Ҳақиқат манзаралари”. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007.
4. Авлоний А. Танланган асарлар. – Т.: 2006.
5. "Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти: Республика илмий-амалий анжумани материаллари.- Т.: 2016 й.